# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 7 СЕНТЯБРЬ, сешанба, № 66 (6.022). Сотувда эркин нархда



**БУГУНГИ СОНДА:**

1–2-саҳифалар:

ДЕҲҚОН ТАФАККУРИ УЙҒОНМОҚДА
ПОПЛИК ДОРИШУНОСЛАР ИБРАТИ

3-саҳифа:

ТАДБИРКОР ТРАНСПОРТЧИ
ЯЙЛОВЛАР НЕГА КАМАЙИБ КЕТДИ?

4-саҳифа:

«ҚИСМАТ»ДАН «ТОЙЧОҚ»ГАЧА


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

**Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириб боришда юксак маънавият ва маърифатли, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур эгаллаган, демократик тамойиллар ҳамда фуқаролик жамияти асосларини ҳар томонлама ўзлаштирган, шахсий ва умуммиллий манфаатларни ўзаро уйғун кўра оладиган эркин шахс ва онгли авлод тарбиясининг ўта муҳимлигини ҳисобга олиб ҳамда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши эканлигини таъкидлаган ҳолда:**

1. ''Маърифатчилар'', ''Файласуфлар'', ''Тарихчилар'' жамиятлари, ''Соғлом авлод учун'', ''Маҳалла'', ''Камолот'', ''Нуроний'', ''Наврўз'', ''Олтин мерос'', Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш жамғармалари, Республика ''Маънавият ва маърифат'' маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар, ''Тасвирий ойина'' уюшмалари, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими, Маданият ишлари вазирликлари каби мақсад ва вазифалари маърифий-маънавий тарбия, тарғибот билан боғлиқ қатор давлат ва нодавлат ташкилотларининг Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини таъсис этганликлари қўллаб-қувватлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда Маънавият ва маърифат кенгашлари ташкил этилгани инобатга олинсин.

2. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг таъсис конференциясида Кенгашнинг фаолият дастури, Низоми ва ташкилий тизими тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ''Жаҳолатга қарши маърифат'' ғоясига таянган ҳолда Кенгашга аъзо ташкилотларнинг маърифий тарғибот йўналишидаги имкон ва салоҳиятларини бирлаштириш, фаолиятларини мувофиқлаштириш ва замонавий талаблар асосида ташкил этишда қуйидагиларни ўзининг бирламчи мақсад ва вазифалари этиб белгилагани маъқуллансин:

— мамлакат аҳли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва тафаккурида миллий ғоя, миллий мафкура ва умумбашарий қадриятларга, демократик тамойилларга асосланган дунёқарашни шакллантириш;

— жамоатчилигимиз онгига истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан барпо этишдек улуғ ва олийжаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳини янада чуқур сингдириш;

— миллий қадриятларимиз ва улуғ мутафаккирларимиз меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, ғоялари ёш авлод қалбидан жой олишига кўмаклашиш;

— ҳар бир фуқарода ўз ҳақ-ҳуқуқи, имконияти ва иродасига таяниш, ўз тақдирининг бунёдкори бўлиш, мамлакатда кечаётган янгиланишлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг маъно-моҳияти, мақсадини теран англаган тарзда унинг фаол иштирокчиси ва курашчисига айланиш тафаккурини камол топтириш;

— маърифий тарғибот ишларининг шаклан ва мазмунан уйғунлиги ва мунтазамлигини, халқчил ва ҳаққонийликка, жамоатчилик фикри ва кучига, барча соҳалардаги соғлом фикрловчи фуқаролар салоҳияти ва ҳаракатига асосланишини таъминлаш.

4. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари, Кенгашнинг жойлардаги бўлимларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари раҳбарликка сайланганликлари инобатга олинсин.

5. Республика ''Маънавият ва маърифат'' маркази Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши қарорларини жойларда амалга ошириш ва тарғибот-ташвиқот тадбирларини уюштирувчи ташкилий гуруҳга айлантирилгани, ''Олтин мерос'' жамғармаси, ''Маънавият'' нашриёти, ''Тафаккур'' ва ''Жаҳон адабиёти'' журналлари Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳузуридаги ташкилотлар сифатида тасдиқланганидан келиб чиққан ҳолда мазкур ташкилотларнинг низом ҳамда меъёрий ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши тавсия этилсин.

6. Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг ҳамда унинг таркибидаги ''Маънавият ва маърифат'' марказининг жойлардаги бўлимлари тегишли ҳудуд ҳокимликлари биносида жойлаштирилиши белгилаб қўйилсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан тегишли қарор тайёрласин.

8. Ушбу Фармонни амалга оширишни назорат қилиш Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов ва А.Зиё зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 сентябрь.

# ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ!





*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. У қуйидагиларни назарда тутади:

Бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш

Бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш

Бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Белгилансинки, янги тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) харажатларнинг қуйидаги гуруҳларини бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида амалга оширилади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар)

II. Иш ҳақига қўшимчалар

III. Капитал қўйилмалар (давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ)

IV. Бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартиби тасдиқлансин.

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш манбаларини:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан

бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (беғараз) ёрдами берилишидан қўшимча даромадлар олиш ҳисобига кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган манбалардан қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан бошлаб 2 йил муддатга давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинсин, бўшаб қолган маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, шунингдек уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

5. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларига бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилсин, жамғарма:

режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг охирги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб варақларида қолган тежаб қолинган (фойдаланилмаган) маблағлар (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно)

бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар

вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи, қолган 50 фоиз маблағ маҳаллий бюдежтлар даромадига ўтказилиши белгилаб қўйилсин

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шаклантирилади.

6. Белгилансинки, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари:

аввало мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга

бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига

ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

тижорат банкларида жорий ҳисоб варақлар очган ҳолда юридик шахс мақоми бериладиган бюджет ташкилотлари рўйхатини 1999 йил 1 октябргача белгиласин

**(Давоми 2-бетда)**

## ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ БАХТИ

Шу масала хусусида кўпинча ўйланаман. Дарҳақиқат, бир пайтлар эркимиз, ҳуқуқимиз ўз қўлимизда эмас эди. Ҳатто оддий масалани ҳал этиш учун Собиқ марказга боришга кунлаб, ҳафталаб қолиб кетишга мажбур эдик. Афсуски, кўпинча ишимиз битмай қайтар эдик. Режалаштирган ишимизни амалга оширишга гоҳо йиллаб сарсон бўлардик.

Саккиз йил муқаддам кўксимизга шамол тегди. Нималарга қодир эканимизни, салоҳиятимизни жаҳон кўрди, тан берди. Бу эса мустақиллик бизга берган чексиз имкониятлар туфайлидир. Буни ҳар бир ўзбекистонлик фуқаро кўриб, ҳис этаяпти. Шундай экан, истиқлол қадрига етишимиз, уни асрашимиз даркор. Буни ёш авлод қалбига сингдириш, авайлашни ўргатиш биз кексалар учун ҳам қарз, ҳам фарз.

**Соҳиб УСМОНОВ,**
**Республика «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси**

## КЎНГИЛНИНГ ХУМОРИ ЁЗИЛДИ

Мустақиллик байрамини ҳамиша ўзгача тараддуд ва кайфият билан кутаман. Негаки, биз учун байрамларнинг энг улуғи шу. Совет тузуми раҳбарларининг айби билан ҳарбий бурчимни Афғонистонда ўташимга тўғри келган. Ротамизда 4 ўзбек ўғлони бирга эдик. Афсуски, бир дўстимиз урушда ҳалок бўлди.

Байрам баҳона қуролдош дўстлар ҳаммамиз тўпланамиз. Эслашамиз. Бундан буён янада маҳкамроқ ошна бўлишга бел боғлаймиз. Бу йил ҳам шундай бўлди. Мустақиллик майдонидаги байрам хурсандчилиги дардимизни, кўксимиздаги номаъқул уруш асоратини бироз бўлса-да ювиб кетди. Шукроналигимиз шундаки, энди ҳеч ким алдов-қистовларга ишониб, қурол кўтариб чопмайди. Дўстлар бир-биридан бир умрга ажрашмайди. Мустақиллик бизга ана шундай бахтиёр кунларни ҳадя этди.

Уруш кўрган одам, ўлим билан юзма-юз келган киши ҳаётдан, яшашдан, яхшиликдан безиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Уларнинг кўнглини қўтир, қабиҳлик босиб кетади. Кейин уни ювиб, тозалаб олиш қийин. Истагим шу — ер-юзида ҳамиша байрам, хурсандчилик бўлсин. Яна такрор айтаман, юртимизнинг муқаддас истиқлоли менга ўхшаган барча Афғон уруши қатнашчиларининг кўнгил хуморларини ёзиб юборди. Шундай қувончли байрам ҳаммамизга муборак бўлсин.

**Райимжон МАМАСОЛИЕВ,**
**Пайариқ тумани.**

## БИЗНИ ДУНЁ ТАНИЯПТИ

Куни кеча давлатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги байрами катта тантана билан нишонланди. Зангори экран орқали Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган байрамни кўриб, тўлқинланиб кетдим. Ахир, ҳаяжонланмай бўладими? Бу кунни наинки биз, балки ҳаётдан кўз юмиб кетган қанчадан-қанча боболаримиз орзиқиб кутган эди. Ниҳоят, ушбу кунларни кўриш бизга насиб қилди.

Саккиз йил унча катта вақт эмас. Лекин шу давр мобайнида оламшумул ишлар амалга оширилди, десам муболаға бўлмайди. Қилган ишларимизни санаб ўтсак, бир неча том китоб ёзилиши аниқ. Хуллас, миллатимизни, юртимизни дунё таниди. Биз дунёни кўрдик.

**Ортиқбой ЙЎЛДОШЕВ,**
**Боёвут туманидаги «Йўлдош ота» хусусий чорвачилик фермаси мудири.**

Жумадан сешанбагача

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**+ 2 сентябрь куни пойтахтнинг Акмал Икромов туманида қурилиш ва коммунал касб-ҳунар коллежининг тантанали очилиш маросими бўлди.**

**Тантанада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

**+ 3 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент шаҳридаги Ислом университетининг тантанали очилиш маросимида қатнашди.**

**Давлатимиз раҳбари тантанада нутқ сўзлаб, Ислом университети очилиши нафақат мамлакатимиз ҳаётида, балки бутун ислом дунёсида катта воқеа эканлигини таъкидлади.**

**+ Мамлакатимизнинг 8 йиллиги муносабати билан республикамиз Президенти номига давлат раҳбарлари, хорижлик сиёсат арбобларидан табриклар келиши давом этмоқда. Жумладан, Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл, Япония императори Акихито, Италия Республикаси Президенти Карло Адзельо Чампо, Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Чжун, Канада Генерал губернатори Ромео Леблан, Нидерландия қироличаси Беатрикс, Греция Республикаси Президенти Констанинос Сефанопулос, Финландия Республикаси Президенти Мартти Ахтисаари, Баҳрайн давлати амири Ҳамад бин Исо ал Халифа, Иордания Ҳошимийлар подшолиги подшоҳи Абдуллоҳ Иккинчи, Тунис Республикаси Президенти Зайн-ал-Обиддин бин Али, Исландия Республикаси Президенти Оловур Рагнар Римссон, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Чан Дик Лионг, Гамбия Республикаси Президенти Яхъё Жалимеҳ, Россия Федерацияси Саратов ва Кемерово вилоятлари губернаторлари Д.Ф. Аяцков ва А. Тулеев табрик йўлладилар.**

**+ Оҳангарон шаҳрида маиший хизмат мутахассислари тайёрлашга ихтисослашган касб-ҳунар коллежи очилди. Ғоят қисқа муддатда ўқув даргоҳи учун замонавий бино қуриб битказилди.**

**Коллеж талабалари бундай ғамхўрлик учун мамлакатимиз Президенти номига миннатдорлик мактуби йўлладилар.**

## УЙҒОНИШ

**Собиқ иттифоқдан қолган боқимандалик касалидан халос этди. Миллий ўзлигимизга қайтишимизга, қадриятларимиз тикланишига имкон берди**

ДАВР ВА ИНСОН

Бултур худди ҳозиргидек эрта куз, айни ҳосил ғарқ етилган, қайси бозорга кирманг пештахталар ноз-неъматга тўлган пайт эди. Излаган нарсасини одам ҳар қадамда топади. Ноз-неъмат мўл бўлса бозор ҳам арзонлашаверади. Етиштирганга раҳмат, топганига барака, деб харидор олиб кетаверади.

Тошпўлат ака ҳокимиятдаги йиғилишдан чиқиб бозорга кирди. Мева-сабзавот кўплигидан, сархиллигидан унинг ҳам завқи келди. Меҳнатдан қочмаган, ерни қадрлаган инсон ҳеч кам бўлмас экан, деди ўзига ўзи. Бозордан чиқиб маҳалласи томон юрди. Қайси кўчада қандай ободонлаштириш ишларини амалга ошириш лозимлигини ён дафтарчасига ёзиб бораверади. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар хонадонига кириб нимадан зориқишаётганини суриштирди. Сўраган нарсаларини яқин кунларда етказажагини айтди. Сўнг маҳалла идораси томон юрди. Ҳар кунгидек у ерда уч-тўрт киши уни кутиб туришган экан.

— Мумкинми оқсоқол, — деди кетидан хонага биринчи бўлиб кирган олтмиш-олтмиш беш ёшлардаги киши. — Ҳали келувдим, йўқ экансиз, учрашмай кетмай деб пойлаб ўтирган-дим. Хайрият, келдингиз. Куним бекор ўтмади.

— Эшитаман, нима гап экан?

— Шу ёрдам масаласида. Рўзғордан бироз қийналиб қолгандик. Пенсия келишига ҳали вақт бор...

— Албатта имкон даражасида ёрдам ажратамиз, — деди маҳалла оқсоқоли. — Фақат боқувчиси йўқ, кам таъминланган оилалардан кейин. Энди гап келганда бир нарсани сўрасам, томорқангиз неча сотих?

— Ўғлимники билан қўшганда йигирма сотихдан ошади. Нима эди?..

— Неча жон яшайсизлар?

— Ўн иккита.

— Томорқага нима эккансиз?

— Беда.

**(Давоми 2-бетда)**

## БОЗОРДАГИ МУАЛЛИМ

МАВЗУ

...Шерободдаги бозорда бу одамни кўришим биланоқ. олис йиллардан мерос қолган ширин хотиралар қўлимдан етаклади-да, кўз ўнгимдан кетмайдиган ўқувчилик йилларидаги воқеаларга рўпара қилиб қўйди.

Эсимда. Қотмадан келган бу муаллим дарс ўта бошлаганида сеҳрли оламга кириб қолгандек ҳис этардик ўзимизни. У Алишер Навоий, Бедил, Машраб газалларини шундай ифодали, берилиб ўқиганда ҳаяжондан юрак ҳапқириб кетар, асарлардаги образларни таҳлил қилганда синфхонамизда пашша ғинғиллагани ҳам бемалол эшитилар эди. Мана, орадан ўттиз йил бир зумда ўтиб кетибдиёв. Аммо, ўқитувчимизнинг кўриниши ҳамон ўшандай қувноқ, беозор, сизга худди ёш боладек содда муомала қилади.

Аммо нега энди бу ерда? Ахир, у эмасмиди бир вақтлар мактаб яқинидаги ўндан тўққизини уриб қоладиган магазинчидан ҳазар қиладиган? Мана энди у бозорда — пештахталарга дид билан териб қўйилган помидор, бодрингларга, уйилган картошка, пиёзларга термулиб ўтирибди... Бу хокисоргина одамни сершовқин, ота-болани деярли танимайдиган кўҳна бозорга етаклаб келган нима-кимнингдир чўнтагидаги беш-ўн сўмини алдаб олишми ё? Мен ҳам худди карахт бўлган одамдек одоқсиз ўй-хаёлларим оғушида серрайиб қолдим. Бироқ қўшни қишлоқда яшайдиган бу муаллимимизни ҳижолатга қўймаслик учун ўзимни таништириб ўтирмадим. Эринчоқлик билан ундан нарх-навони, у-бу нарсаларни сўраган киши бўлдим:

— Ака, қовун неча сўм, мана буниси-чи?

— Иним, эллик сўм бўлса — етади.

— Мана бу тарвуз-чи?

— Ўттиз бераверинг, тортишиб нима қилдим.

Оз-моз гурунг қилдик. Суҳбатдан аён бўлишича, собиқ ўқитувчининг ўттиз сотихча томорқаси бор экан. Шу бир парчагина ерда қиш қиличини ялонғочлаб келган изғириндан то елкани офтоб куйидирадиган саратонгача терлаб-пишиб ишлар экан. «Дарсдан сўнг ана шу жойда куймаланиб бола-чақам билан уч-тўрт юз минг сўм даромад қиляпман», деди у киши ийманибгина.

— Ўқитувчилик нима бўлди, ака?

— Бир ставка дарсим бор, ундан кейин нима қиламан? Кампиримнинг олдида пашша қўриб ўтирайманми?

**(Давоми 2-бетда)**

## «АЗАЛДАН ФАЙЗИ БОР БУНДА ҚУЁШНИНГ»

*2. Ибн Синонинг поплик ворислари*

САЁҲАТНОМА

Чодақда бўлганмисиз? Ўркач-ўркач тоғлар тепасига чиқиб, ям-яшил водийни кузатганмисиз? Тоғ ёнбағирларида, Чодаксой қирғоқларида ўсиб ётадиган турфа хил ўт-ўланлар, гул-чечаклар бўйидан баҳра олганмисиз? Шохдан-шохга, гулдан-гулга қўниб, қанотлари юз минг рангда товланаётган капалаклар рақсини томоша қилганмисиз? Лоақал, шундоқ тошлар орасидан сизиб чиқаётган, сирли-синоатли, сумбулли ва ҳузурли Чур-чур ота сувидан ҳовучлаб-ҳовучлаб ичганмисиз? Ва ё Чодак қантакисидан ёки тутидан, жилла қурса баргаги-ю аштакисидан, каллақанди ё тутмайизидан ҳеч тотиб кўрганмисиз?

Йўқ, дейсизми? Эвоҳ! Демак, «жаннат устаси» шоирлар таърифлаган хонаси» дея жонажон Ўзбекистон, онажонимиз ҳақидаги тасаввурингиз тўла эмас экан-да, биродар?!

Бу йил баҳор гўзал ва фусункор Чодак воҳасидан кўнгил узиб кетолмай узоқ туриб қолди. Ҳозир ёз тугаб, куз бошланди. Аммо, Чодақда ҳамон энди-энди ғунча очаётган гуллар бор, ҳамон эрталаблари эгнингизга бир нарса илиб олмасангиз жунжикасиз. Бир зумга тошдан тошга урилиб оқаётган сой сувига қўлингизни тутсангиз тишингиз зирқирайди. Тушликда, қуёш тиккага келганда энди офтобга ёлчидик деганингизда қаршингиздаги тоғ тепасида турган булут шундоқ тепангизга келади-да шаррос ёмғир қуйиб юборади. Эҳ маза!

Биз ҳам Абдубанно билан сой ёқасидаги сўрида гурунглашиб ўтирганимизда шундоқ бўлди. Ҳеч кутилмаганда тепамизга туя бўталоғидек келадиган қўнғир булут чиқди-ю шатур-шутур ёмғир ёға бошлади. Шошиб-пишиб жойимизни ёпиқ айвонга кўчирдик. У ёкка ўтгунимизча десангиз кийимларимиз баданимизга ёпишиб, шалаббо бўлдик.

Дарвоқе, Чодак таърифига берилиб, сизни ҳамроҳим билан таништириш ҳам ёдимдан кутарилаёзибди. Қаршимда ўтирган ёшгина, тўладан келган, буғдой ранг, буғдой сўз йигит Абдубанно Бобоев бўлади. Абдубанно ёш бўлса-да кўпчиликка бош. Худуди бутун бошли бир

**(Давоми 2-бетда)**

## ФЕРМЕР СИНОВДАН ЎТМАДИ, НЕГА?

**Бунга унинг ўзидан жавоб олмоқчи эдик. Афсуски, у турли баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтмади**

ЖУРНАЛИСТ ТАДҚИҚОТИ

Юртимизда мустақилликка эришганимиздан сўнг бошланган улуғвор ишлар, ўзгаришлар шу заминни Ватан деб билган ҳар бир кишини замон билан ҳамнафас яшашга, ишлашга, янгиланиш даврини чуқур ва теран англаб етишга даъват этмоқда. Республикамиз Президенти ва ҳукумати қишлоқ хўжалигини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга доим ғамхўрлик кўрсатиб келаяпти. Тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида қатор фармонлар қабул қилинмоқда. Тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди. Мулкчиликнинг турли шакллари юзага келди. Ҳақиқий ишбилармонлар бундан оқилона фойдаланиб юрт маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Лекин номигагина деҳқон фермер хўжалиги ташкил этиб ердан самарасиз фойдаланаётганлар ҳам йўқ эмас. Шундай «уддабурон»лардан бири Зокир Раҳимовдир. Муғлон қишлоғида яшовчи Зокир Раҳимовнинг «ишқи» фермер бўлишга тушди. У фермер хўжалиги тузишга рухсат беришларини сўраб, 1994 йили Касби тумани ҳокимлигига мурожаат қилди. 1994 йил 16 февраль куни туман ҳокимининг Х-70/3 қарорига асосан унга А. Навоий номли кооператив (ширкат) хўжалиги ҳудудидан 46 гектар ер ажратиб бериладиган бўлди. Қарорда шунча ер унга 10 йил муддатга берилсин, дейилган. Ерларнинг ҳосилдорлиги ҳисобга олинган ҳолда, шартнома ҳар йили қайта кўриб чиқилиши алоҳида таъкидланган. Қарор чиққач, Зокир Раҳимов ер эгаси бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Фермер хўжалиги «Оқ том» номи билан юритилди. Қайтарамиз, туман ҳокимлигининг

**(Давоми 3-бетда)**

